



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 23 » avgust

№ 536

Toshkent sh.

Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Худудларда ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги муаммоларнинг ҳал этилиши, аҳоли билан очик, тўғридан-тўғри мулоқотни кучайтириш, худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторларнинг “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” билан ишлаш юзасидан фаолиятига баҳо бериш ҳамда ўзининг фидокорона меҳнати билан намуна кўрсатган секторларни муносиб рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар (кейинги ўринларда – секторлар) фаолияти самарадорлигини баҳолаш, намунали ва ташаббускор секторларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Секторлар фаолияти самарадорлигини баҳолашга оид асосий индикаторлар, уларни ҳисоблаш ва баҳолаш ҳамда баҳолаш натижалари юзасидан секторларни рағбатлантиришни назарда тутувчи Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан баҳолаш **бир йилда бир маротаба – ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 февралига** қадар амалга оширилиб, натижаси бўйича таҳлилий маълумотнома Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ва халқ депутатлари Кенгашларига киритилади;

баҳолаш натижаларига кўра туман, шаҳар секторлари ўртасида республика даражасида – “**энг намунали сектор**” ҳамда Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри даражасида – “**энг ташаббускор сектор**” номинациялари бўйича ғолиблар аниқланади ва рағбатлантирилади;

“Энг намунали сектор” ва “Энг ташаббускор сектор”ни рағбатлантириш – сектор раҳбарининг идоравий бўйсунувига қараб тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахри маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳамда Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

секторлар фаолиятига баҳо бериш бўйича маълумотларнинг ўз вақтида тақдим этилиши ва ҳаққонийлиги учун манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари шахсан жавобгар бўлади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига, зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда баҳолаш кўрсаткичлари тизими ҳамда уларни ҳисоблаш усулларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргалиқда икки ой муддатда секторлар фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш ва баҳолаш бўйича **“sektor.reyting.uz” автоматлаштирилган онлайн ахборот тизими** ишлаб чиқилишини ва ишга туширилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргалиқда “Энг намунали сектор” ва “Энг ташаббускор сектор”нинг ижобий иш тажрибасини бошқа худудлар ўртасида оммалаштириш бўйича оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринbosари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “23” августдаги 536-сон қарорига
илова

Худудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом худудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар (кейинги ўринларда – секторлар) фаолияти самарадорлигини баҳолаш, “энг намунали сектор” ва “энг ташаббускор сектор”ни аниқлаш (кейинги ўринларда – баҳолаш) тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

индикатор – секторлар фаолияти самарадорлигини аниқлашда баҳоланиши лозим бўлган асосий кўрсаткич;

расмий статистик маълумотлар – баҳолашга ва аниқлашга маълумотларни тақдим этиш учун масъул бўлган ваколатли ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига тақдим этилган ва ушбу ташкилотларнинг раҳбарлари томонидан тасдиқланган статистик ва таҳлилий маълумотлар;

“sektor.reyting.uz” автоматлаштирилган онлайн ахборот тизими (кейинги ўринларда “sektor.reyting.uz” ААТ) – худудлarda секторлар фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш ва баҳолаш бўйича автоматлаштирилган дастурий таъминот.

3. Секторлар фаолиятини баҳолаш йил якуни бўйича мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схема асосида ўtkaziladi.

4. Баҳолаш натижасига кўра туман, шаҳар секторларининг (кейинги ўринларда – худудий секторлар) рейтинги тузилиб, баҳолаш икки даражада амалга оширади:

а) республика даражасида – барча туман, шаҳар секторлари ўртасида рейтингда юқоридан пастга тамоили асосида З та сектор аниқланади ва моддий рағбатлантирилади. Бунда энг юқори кўрсаткичга эга сектор – “энг намунали сектор” деб эътироф этилади;

б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри даражасида – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри даражасида энг юқори кўрсаткичга эга бўлган З тадан секторлар аниқланади ва моддий рағбатлантирилади. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри даражасида энг юқори кўрсаткичга эга сектор – “энг ташаббускор сектор” деб эътироф этилади.

2-боб. Секторлар фаолияти самарадорлигини баҳолашга оид асосий индикаторлар ҳамда уларни ҳисоблаш ва баҳолаш

5. Баҳолаш қуидаги устувор йўналишлар асосида амалга оширилади: “Темир дафтари”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” билан ишлаш натижадорлиги;

“маҳаллабай” ишлаш тизимининг юритилиши ҳолати;

иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиш даражаси;

тадбиркорликни ривожлантириш;

жиноятчиликни камайтириш ва ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш;

мурожаатлар билан ишлаш самарадорлиги.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридан Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги индикаторларни баҳолашда ташкилотлар ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан зарур маълумотларни бепул олади.

6. Секторлар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари мазкур Низомга 2-иловада кўрсатилган расмий статистик маълумотларга асосан ҳисобланади ва уларга мувофиқ сектор учун энг юқори балл 100 бални ташкил этади.

7. Мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳар бир устувор йўналиш учун максимал балл уларнинг таркибий рейтинг кўрсаткичлари бўйича тенг тақсимланади.

8. Расмий статистик маълумотлар масъул ташкилотлар томонидан йил якуни бўйича келгуси йил 15 январга қадар “sektor.reyting.uz” ААТга киритилиши шарт.

9. Баҳолашда фойдаланиладиган расмий статистик кўрсаткичлар ҳам ижобий, ҳам салбий тоифада бўлиши мумкин.

10. Ижобий тоифадаги кўрсаткичлар бўйича баллар қуидаги формула асосида ҳисобланади:

$$X_{ball} = \frac{X}{X_{max}} * Y_{max\ ball}$$

бунда: X_{ball} – секторнинг муайян кўрсаткич бўйича балли; X – сектор кўрсаткичи; X_{max} – секторлар орасида ушбу кўрсаткичининг максимал қиймати; $Y_{max\ ball}$ – ушбу Низомнинг 2-иловасида берилган кўрсаткичининг энг юқори балли.

11. Салбий тоифадаги кўрсаткичлар бўйича баллар қуидаги формула асосида ҳисобланади:

$$X_{ball} = Y_{max\ ball} - \frac{Y_{max\ ball}}{X_{max}} * X$$

бунда: X_{ball} – секторнинг муайян кўрсаткич бўйича балли; X – сектор кўрсаткичи; X_{max} – секторлар орасида ушбу кўрсаткичнинг максимал қиймати; $Y_{max\ ball}$ – ушбу Низомнинг 2-иловасида берилган кўрсаткичнинг максимал балли.

12. Сектор учун жами балл – статистик кўрсаткичлар балларини жамлаш йўли билан ҳисобланади.

3-боб. Баҳолаш натижалари бўйича секторларни рағбатлантириш

13. Баҳолаш натижалари бўйича республика даражасида – “Энг намунали сектор” номинациясида ғолиб бўлган секторлар қуйидаги тартибда рағбатлантирилади:

1-ўрин учун – базавий ҳисоблаш миқдори (БҲМ)нинг 500 баравари миқдорида;

2-ўрин учун – БҲМнинг 400 баравари миқдорида;

3-ўрин учун – БҲМнинг 300 баравари миқдорида пул маблағи.

14. Баҳолаш натижалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри даражасида – “Энг ташаббускор сектор” номинациясида ғолиб бўлган секторлар қуйидаги тартибда рағбатлантирилади:

1-ўрин учун – БҲМнинг 200 баравари миқдорида;

2-ўрин учун – БҲМнинг 150 баравари миқдорида;

3-ўрин учун – БҲМнинг 100 баравари миқдорида пул маблағи.

15. “Энг намунали сектор” ва “энг ташаббускор сектор” деб топилган ҳудудий секторларнинг фаолият самарадорлигига таъсир этувчи ташкилотлар ходимлари (сектор аъзолари) факат ўзлари масъул бўлган кўрсаткичлардан келиб чиқиб тақдирланади.

16. Баҳолаш якуnlари бўйича “энг намунали сектор” деб топилган секторнинг ижобий иш тажрибасини республика ҳамда “энг ташаббускор сектор”нинг ижобий иш тажрибасини тегишли худуд миқёсида оммалаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги баҳолаш натижалари бўйича ҳар йил якуни бўйича кейинги йилнинг 1 февраляга қадар таҳлилий маълумотнома тайёрлайди ҳамда Ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа ахволини ўрганишнинг янги механизmlарини жорий этиш бўйича комиссияга киритади.

18. Секторлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари ҳар йили ҳалқ депутатлари Кенгашлари мажлисларида муҳокама қилиб борилиши мумкин.

19. Ушбу Низом талабларини бузишда айборд бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавоб берадилар.

Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисида низомга 1-илова

**Секторлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тартиби
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Тадбирлар	Масъуллар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Расмий статистик маълумотларни “sektor.reyting.uz” ААТга киритиш.	Низомнинг 2-илювасида назарда тутилган масъул ташкилотлар	15 январга қадар
2-босқич	“Sektor.reyting.uz” ААТ орқали секторларнинг самарадорлик кўрсаткичини хисоблаш ва секторлар кесимида натижани аниқлаш.	Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги	25 январга қадар
3-босқич	Расмий статистик маълумотлар натижалари асосида секторлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш якунларини умумлаштириши, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ҳалқ депутатлари Кенгашларига тақдим қилиш, ўз расмий веб-сайтларида эълон қилиб бориш.	Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги	1 февралга қадар
4-босқич	Ҳалқ депутатлари Кенгашлари мажлисларида секторлар фаолияти самарадорлигининг баҳолаш натижаларини муҳокама қилиш.	Вилоят, туман ва шаҳар ҳалқ депутатлари Кенгашлари	15 февралга қадар
5-босқич	Баҳолаш натижаларига кўра туман, шаҳар секторлари ўртасида республика даражасида – “энг намунали сектор” ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри даражасида – “энг ташаббускор сектор” номинациялари бўйича ғолиблар рагбатлантирилади.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирлик ва идоралар	15 февралга қадар
6-босқич	Баҳолаш якунлари бўйича “энг намунали сектор” деб топилган секторнинг ижобий иш тажрибасини республика ҳамда “энг ташаббускор сектор”нинг ижобий иш тажрибасини тегишли худуд миқёсида оммалаштириш бўйича чора-тадбирлар кўриш.	Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги	1 марта қадар

Худудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш
бўйича секторлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш
тартиби тўғрисида низомга
2-илова

**Расмий статистик кўрсаткичларга асосан секторлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш
ТИЗИМИ**

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичларни хисоблаш методикаси	Масъул орган*	Индикатор тоифаси ва баллари
	Жами максимал балл				100,0
	1. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” билан ишлаш натижадорлиги кўрсаткичлари				60,0
	а) “Темир дафтар” билан ишлаш натижадорлиги				16,0
1.	“Темир дафтари”дан чиқарилган оилалар	фоиз	“Темир дафтар”дан чиқарилган оилаларнинг “Темир дафтар”га киритилган оилалардаги улуши	Иктиносидий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги	Ижобий
2.	“Темир дафтари”даги оилаларнинг касб-хунарга ўқитилилган аъзолари	фоиз	“Темир дафтари”даги оилаларнинг касб-хунарга ўқитилилган аъзоларининг жами ўқиш истаги мавжуд аъзолар сонидаги улуши	Иктиносидий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги	Ижобий
3.	Расмий ўзини ўзи банд қилишга жалб қилинган “Темир дафтари”даги оила аъзолари	фоиз	Расмий ўзини ўзи банд қилган “Темир дафтари”даги оила аъзоларининг жами бандлиги таъминланган аъзолар сонидаги улуши	Иктиносидий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги	Ижобий
4.	“Темир дафтари”даги оилаларга тиббий хизмат кўрсатиш даражаси	фоиз	Тиббий хизмат кўрсатилган “Темир дафтари”даги оилаларнинг жами тиббий хизматга муҳтоҷ оилалар сонидаги улуши	Иктиносидий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги	Ижобий
	б) “Аёллар дафтари” билан ишлаш натижадорлиги				24,0
5.	“Аёллар дафтари”дан чиқарилган аёллар	фоиз	“Аёллар дафтари” рўйхатидан чиқарилган аёлларнинг “Аёллар дафтари”га киритилган аёллар сонидаги улуши	Маҳалла ва оилани кўллаб-куватлаш вазирлиги	Ижобий
6.	“Аёллар дафтари”даги касб-хунарга ўқитилилган аёллар	фоиз	“Аёллар дафтари”даги касб-хунарга ўқитилилган аёлларнинг жами ўқиш истаги мавжуд аёллар сонидаги улуши	Маҳалла ва оилани кўллаб-куватлаш вазирлиги	Ижобий

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичларни хисоблаш методикаси	Масъул орган*	Индикатор тоифаси ва баллари
7.	“Аёллар дафтари”даги расмий ўзини ўзи банд қилишга жалб қилинган аёллар	фоиз	Расмий ўзини ўзи банд қилган “Аёллар дафтари”даги аёлларнинг жами бандлиги таъминланган аёллар сонидаги улуши	Маҳалла ва оиласи қўллаб-куватлаш вазирлиги	Ижобий
8.	“Аёллар дафтари”даги аёлларга тиббий хизмат кўрсатиш даражаси	фоиз	Тиббий хизмат кўрсатилган “Аёллар дафтари”даги аёлларнинг жами тиббий хизматга муҳтож аёллар сонидаги улуши	Маҳалла ва оиласи қўллаб-куватлаш вазирлиги	Ижобий
9.	“Аёллар дафтари”даги аёлларга психологоик хизмат кўрсатиш даражаси	фоиз	Психологик хизмат кўрсатилган “Аёллар дафтари”даги аёлларнинг жами психологоики хизматга муҳтож аёллар сонидаги улуши	Маҳалла ва оиласи қўллаб-куватлаш вазирлиги	Ижобий
10.	“Аёллар дафтари”даги аёллар томонидан тадбиркорликнинг йўлга кўйилиши	фоиз	Тадбиркорликни йўлга кўйган “Аёллар дафтари”даги аёлларнинг жами тадбиркорлик қилиш истаги мавжуд аёллар сонидаги улуши	Маҳалла ва оиласи қўллаб-куватлаш вазирлиги	Ижобий

в) “Ёшлар дафтари” билан ишлаш натижадорлиги

20,0

11.	“Ёшлар дафтари”дан чиқарилган ёшлар	фоиз	“Ёшлар дафтари” рўйхатидан чиқарилган ёшларнинг “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар сонидаги улуши	Ёшлар ишлари агентлиги	Ижобий
12.	“Ёшлар дафтари”даги касб-хунарга ўқитилган ёшлар	фоиз	“Ёшлар дафтари”даги касб-хунарга ўқитилган ёшларнинг жами касб-хунарга ўқиши истаги мавжуд ёшлар сонидаги улуши	Ёшлар ишлари агентлиги	Ижобий
13.	“Ёшлар дафтари”даги расмий ўзини ўзи банд қилишга жалб қилинган ёшлар	фоиз	Расмий ўзини ўзи банд қилган “Ёшлар дафтари”даги ёшларнинг жами бандлиги таъминланган ёшлар сонидаги улуши	Ёшлар ишлари агентлиги	Ижобий
14.	“Ёшлар дафтари”даги ёшларга тиббий хизмат кўрсатиш даражаси	фоиз	Тиббий хизмат кўрсатилган “Ёшлар дафтари”даги ёшларнинг жами тиббий хизматга муҳтож ёшлар сонидаги улуши	Ёшлар ишлари агентлиги	Ижобий
15.	“Ёшлар дафтари”даги ёшлар томонидан тадбиркорликнинг йўлга кўйилиши	фоиз	Тадбиркорликни йўлга кўйган “Ёшлар дафтари”даги ёшларнинг жами тадбиркорлик қилиш истаги мавжуд ёшлар сонидаги улуши	Ёшлар ишлари агентлиги	Ижобий

T/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичларни хисоблаш методикаси	Масъул орган*	Индикатор тоифаси ва баллари
2. “Маҳаллабай” ишлаш тизимининг юртилиши					8,0
16.	Маҳаллалардаги муаммоларнинг ҳал этилиши	фоиз	Доимий вакиллар томонидан аниқланган жами муаммолардаги ҳал этилган муаммоларнинг улуши	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни кисқартириш вазирлиги	Ижобий
17.	Маҳалланинг “ўсиш нуқтаси” (драйвери)нинг амалга оширилиши	фоиз	Амалга оширилган “ўсиш нуқталари” (драйвери)нинг жами аниқланган “ўсиш нуқталари” (драйвери)даги улуши	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни кисқартириш вазирлиги	Ижобий
3. Иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиш даражаси					8,0
18.	Инвестиция лойиҳаларининг (саноат, хизматлар ва қишлоқ хўжалиги йўналишидаги) амалга оширилиши	фоиз	Худудий инвестиция дастурларидағи ишга туширилган лойиҳаларнинг жами лойиҳалардаги улуши	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги	Ижобий
19.	Мактабгача таълим муассасалари билан қамраб олиш даражаси	фоиз	Мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган болаларнинг 3 – 6 ёшдаги болалар умумий сонидаги улуши	Мактабгача таълим вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси	Ижобий
4. Тадбиркорликни ривожлантириш қўрсаткичлари					12,0
20.	Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари сонининг ўсиши	фоиз	Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг ўтган йилги мос даврига нисбатан ўсиши	Давлат статистика қўмитаси, Давлат хизматлари агентлиги	Ижобий
21.	Тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратилиши ҳолати	сўм	Тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредит миқдорининг сектордаги ҳар мингта фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектига тўғри келадиган кредит миқдори	Марказий банк, Давлат статистика қўмитаси	Ижобий
22.	Тадбиркорлик субъектлари учун ўкув-семинарлар ташкил қилингандиги	бирлик	Савдо-саноат палатаси, Адлия бўлимлари томонидан тадбиркорлик субъектлари учун ташкил этилган солик, молия, бухгалтерия, банк, ҳукуқий ва бошқа соҳалар бўйича ўкув-семинарлар умумий сонининг ҳар мингта тадбиркорлик субъектларига тўғри келадиган миқдори	Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги	Ижобий

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичларни ҳисоблаш методикаси	Масъул орган*	Индикатор тоифаси ва баллари
5. Жиноятчиликни камайтириш ва ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш					8,0
23.	Содир этилган жиноятларнинг камайиши	бирлик	Ҳар минг кишига тўғри келадиган жиноятларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан фарқи	Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги	Ижобий
24.	Оилавий қисқартириш ажримларни	фоиз	Никоҳдан ажралганлик ҳақидаги далолатномалар сонининг (суд томонидан бедарак йўқолган, муомалага лаёқатсиз деб топилган, содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилингандиги сабабли кайд этилган ажралганлик ҳолатлари бундан мустасно) ўтган йилнинг мос даврига нисбати	Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги	Ижобий
6. Мурожаатлар билан ишлаш самарадорлиги					4,0
25.	Қаноатлантирилган мурожаатлар улуши	фоиз	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал, Халқ қабулхоналари ва Бош вазир қабулхоналари орқали келиб тушган жами мурожаатлардаги қаноатлантирилган мурожаатлар улуши	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фуқаролар хукукларини ҳимоя қилиш ва мурожаатлар билан ишлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмалари, Бош вазир қабулхонаси	Ижобий

**Ахборот тизимиغا маълумотларни жойлаштириши (киритши) учун биринчи кўрсатилган ижрочи масъул ҳисобланади.
Кўрсаткичларни шакллантириши учун жавобгарлик ҳар бир кўрсатилган давлат бошқаруви органи ва муассасасига юклатилади.*

